

САНОАТИМИЗ ПАРВОЗИ

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

УЛУГ
ОКТАБРНИНГ
50
ЙИЛЛИГИ



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 214 (3696).

Шанба, 28 октябрь 1967 йил.

Баҳоси 2 тийин.



- СОЦИАЛИСТИК ИНДУСТРЛАШТИРИШ СОЦИАЛИЗМ ҚУРИШДАГИ ЭНГ УЗАК МАСАЛА БЎЛДИ.
- ЛЕНИНЧА ГОЭЛРО ПЛАНИ (РОССИЯНИ ЭЛЕКТРЛАШТИРИШНИНГ ДАВЛАТ ПЛАНИ) ВА ДАСТЛАБКИ БЕШ ЙИЛЛИК ХАЛҚ ХУЖАЛИК ПЛАНЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛГАНЛИГИ МАМЛАКАТ ЭКОНОМИКАСИНИ БАРҚ УРИБ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ТАЪМИНЛАДИ, СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚУДРАТЛИ ИНДУСТРИАЛ ДАВЛАТ БЎЛИБ ҚОЛДИ.
- ИНДУСТРЛАШТИРИШ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИГИНИ МУСТАҚАМЛАМОҚ, ХАЛҚ ХУЖАЛИГИНИНГ БАРЧА ТАРМОҚЛАРИНИ ТЕХНИКА ЖИҲАТИДАН РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛМОҚ УЧУН, ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИНИ ЯНГИ, СОЦИАЛИСТИК НЕГИЗГА УТКАЗМОҚ УЧУН ЗАРУР МОДДИЙ БАЗА ЯРАТИБ БЕРДИ.

КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябр социалистик революциясининг 50 йиллигига Тезисларидан.

Буюк одим

Она-Ватанимиз социалистик ривожланиш йўлига одим ташлаганига ярим аср бўлди. Кўпмиллатли, ахил ва инқо совет халқи, халқ демократияси мамлакатлари меҳнаткашлари, жаҳон афқор оммаси, бутун прогрессив инсоният ана шу улуғ санаи зўр тантана билан нишонлашга ҳозирлик кўрмоқда.

Мамлакатимиз ўтган 50 йил мобайнида ҳар томонлама камол топди, халқ хўжалиги жуذا ҳам тараққий этган, унинг етакчи тармоғи бўлган саноат ишлаб чиқариши мисли кўрилмаган чўқиларга кўтарилган қудратли давлатга айланди. Унинг бир вақтлар чекка ҳисобланган ва ҳалдан ташқари қолоқ ўлкаларининг қиёфаси Октябр кўёши остида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди, индустрияси, қишлоқ хўжалиги, маданияти барқ уриб юксалди. Барча қардош республикалар орасида Ўзбекистон, унинг таркибий қисми бўлган пойтахт областида энг янги техника воситалари билан ускуналанган, ҳар қандай мураккаб илмий-техника масалалари ва халқ хўжалиги вазифаларининг уйдасидан чиқа оладиган қудратли саноат вужудга келди, у аграр ўлкадан йирик индустриал днёрга айланди.

Областимиз саноатининг давримиздаги қиёфасини унинг Октябр инқилобидан олдинги қиёфасига ҳеч қиёс қилиб бўлмайди. Уша вақтда ўлкамиз территориясида ҳозирги тушунчалар саноат йўқ эди десак, ҳато қилмаган бўламиз. Хунарманчилик ва барча жараёнлари кўл кучи билан бажариладиган кустар ишлаб чиқариш саноатининг асосий формалари шулардан иборат эди. Обириказавод саноати эса жуذا кам тараққий этган бўлиб, колониал характерда бир ёқлама — асосан қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлашга мўлжалланган, асбоб-ускуналари жуذا примитив эди. Уша даврда жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотининг баҳоси 9 сўм 12 тиийини ташкил этарди. Бу эса, Россиянинг марказий областариданга қараганда 6 баравар кам эди. Бунинг устига саноат асосан Тошкентда жойлашган бўлиб, областнинг қолган майдонида умуман йўқ эди.

Совет ҳокимияти барпо этилган дастлабки йиллардаёқ областимизда кенг кулаида хўжалик ва маданий қурилиш боплаб юборилди. 1925 йилининг охиридада бўлиб ўтган партия XIV съездининг мамлакатимиз индустриясини жадал суръатлар билан ривожлантириш, саноатининг қолқинига барҳам бериш, Совет Иттифоқини қисқа муддат ичида машина-механизмларни четдан сотиб олувчи

давлатдан уларни ўзида ишлаб чиқарувчи давлатга айлантириш ҳақида қабул қилган тарихий қарори ва Лениннинг мамлакатимизда социалистик жамият қуриш учун аввало «мамлакатини индустриал ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқаришни ривожлантириш йўлини ўткази бериш...» тўғрисидаги қўрсатмаси беноён Ватанимизнинг барча бурчакларидаги каби областимизнинг йирик индустриал марказга айланишига ҳам асос солди.

Асримизнинг йигирмачи йилларидаёқ ўша даврга нисбатан йирик ҳисобланган қороз ва тикувчилик фабрикалари, чўп қуйиш заводи, Бўзсув гидроэлектростанцияси ва бошқа корхоналар ишга туширилди. Область экономикаси бешйиллик планлар даврида тез суръатлар билан юксала борди. Шу-шу бирор ой, йилимиз йўқки, областимиз шаҳар ва қишлоқларида янги-янги саноат корхоналари қад кўтармаган бўлсин.

Ҳозир областимиздаги қудратли индустриянинг юздан ортқ тармоғи бор. Замонавий асбоб-ускуналар билан қуролланган комбинатлар, завод-фабрикалар сонг тўрт юздан ошиб кетди. Уларда 250 мингдан ортқ ишчи меҳнат қилаётти.

Совет ҳокимияти йилларида областимизда оғир саноатнинг бундан 50 йил буруа ном-нишони бўлмаган қатор тармоқлари, жумладан машинасозлик, қора ва рангли металлургия, қудратли ёқилғи-энергетика базаси, биномли индустрияси, замонавий химия сингари соҳалари пайдо бўлди. Ёниги, ошқ-овнат саноатлари шундай даражага кўтарилдики, уларни инқилобга бўлган қўрсаткичларга ҳеч ҳам таққослаб бўлмайди. Ҳозирги вақтда бутун Ўзбекистонда тайёрланаётган саноат маҳсулотининг 57,5 проценти саноат ходимлариниз қўлидан чиқмоқда.

Областимиз қатор муҳим саноат маҳсулотлари турлари ишлаб чиқаришда республикамиздагина эмас, ҳатто Иттифоқда ҳам етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турити, мамлакат бўйича меҳнат тақсимотида муҳим роль ўйнамоқда. У пахтачилик учун машиналар, пахтачилик саноати, қанол толасига ишлов бериш учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш бўйича СССРда, биринчи ўринда, тўқимачилик саноати машиналари, нитазлама тайёрлашда иккинчи, химия асбоб-ускуналари, кабел буюмлари, кўп-ки крапдалар ишлаб чиқариш, мис қазиб чиқаришда учинчи ўринда турлади. Саноатимизнинг нақадар тараққий этганлигини қўрсатувчи ана бир ёрқин мисол шундан иборатки, ҳозирги вақтда областимизда Янги ва Ўрта Шарқдаги барча мамлакатлардагига қараганда анча кўп қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқарилади.

Областимиз меҳнаткашлари ўз индустриялари билан ҳақли равишда фахрланадилар, бу ерда ўзбек саноатининг давруғини оламга таратаётган, ўз маҳсулотлари билан жаҳон бозорида манман деган капиталистик мамлакатлар билан рақобат қилаётган завод-фабрикалар борлигидан беҳад хурсанд бўлмоқдалар. Бундан эллик йил муқаддам машиналар у ёқда турсин, ҳатто иш-иғна, олдий деҳқончилик қуролларини четдан сотиб олган областимиз индустрияси дунёнинг 60 дан ортқ мамлакатига 200 хилга яқин маҳсулот турларини етказиб бермоқда. Уларнинг аксариятини машинасозлик, электротехника, кабел, снгил саноат буюмлари ташкил этади.

Шуларнинг ҳаммаси Коммунистик партия ленинча иллий сиёсатининг меъасидир. Улуғ рус халқи ва мамлакатимиздаги бошқа қардош халқларнинг ўзбек халқига, шу жумладан областимиз меҳнаткашларига бераётган беғараз, оғаларча ёрдами натижасидир. Шунинг учун ҳам саноатчиларимиз Ўлуғ Октябр инқилобнинг ярим асрлик тўйи арафасида ҳар қачонгидан ҳам баланд рух ва фидокорлик билан меҳнат қилмоқдалар, мамлакатимизда коммунизм модий-техника базасини яратини, она-Ватанимиз куч-қудратини мустақамлашга муносиб ҳисса қўшишга астойдил интилоқдалар.

Саноатчилар Коммунистик партия ва Совет ҳукумати-нинг област индустриясини ривожлантириш ҳақида қил-лаётган ғамхўрликларига амалий иш билан жавоб бери-яптилар. Юбилейга муносиб тортиқлар билан келмоқдалар. Улар шу йилнинг яли маҳсулот ва саноат маҳсуло-тининг қўнчалик қатор турларини ишлаб чиқариш ўн ой-лик планини муддатидан анча илгари бажардилар. Об-ластдаги қатор саноат корхоналарига Эсдалик байроқла-рининг тошйрилиши индустрия ходимларимизнинг юби-лей йили меҳнатининг муносиб тақдир бўлди.


Ҳа, областимиз саноатининг эллик йил ичида босиб ўтган йўли шундай қувончлидир. У юксак даражага ёришди. Лекин ҳали бу ерда саноатнинг кўпчилиги етакчи тармоқларини ривожлантириш учун битмас-тутанмас ин-кониятлар бор. Областимиз бундан бўён ҳам мам-лакатимизнинг йирик саноат маркази бўлиб қо-лаверди, индустрияси янада камол топаверди, янги-янги истиқбол чўқиларини эгаллайверди.

БИР вақтлар халқимиз қамини, лой томли уйларида яша-ган. Эллик йил ичида турар-жойларимиз бекиёс ўзгарди. И-йрик бинокорлик материаллари, темир-бетон панеллар шаҳар ва қишлоқларимиз ҳуснига-ҳуси ва файз қўшди. Юқоридаги сурат-да областимизда юзлаб қад кўтарган гўзал ва шинам турар-жой биноларининг бири акс этган.

ОБЛАСТИМИЗ Совет ҳокимияти йилларида йирик индуст-рия днёрга айланди. Индиликда у халқ хўжалигига йирик за-монавий агрегат ва асбоб-ускуналар етказиб берувчи машина-созлар ўчоғи бўлиб қолди. Ўртадаги суратда «Ташсельмаш» ва Ўзбекистон трактор-йиғув заводларида жўнатишга тайёр турган янги агрегатларни кўриб турибсиз.

ИШЧИ! Бу сўз юртимизда чинакамга мағрур жараиғла-моқда. У ўтминдаги хор-зор, бир бурда нонга зор қашшоқ йи-чидан олнй жаноб ишчига айланди! У ўз корхонасининг ҳақи-қий хўжайини. Табассум билан боқиб турган бу йи-қий «Ташсельмаш» заводининг машъали, слесарь Суннат Хикматуллаев (пастдаги суратда). Бундай бахтиёрлар област-имизда сон-саноксиз.

ЮКСАЛИШ КЎЗГУСИ



ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИ МАРРАГА ЕТДИ

Оржоникидзе районининг меҳ-наткашлари юбилей вахтасида ту-риб ишлаб ақойиб меҳнат галаба-ларини қўлга киритмоқдалар. Со-циалистик мусобақани кенг қулоқ-ейдирган район пахтакорлари йи-ллик пахта тайёрлаш планини му-ддатидан илгари муваффақиятли бажардилар. Ҳар гектар ердан уртача 29,2 центнердан сифатли уруғлиқ пахта топирилди. Хо-сининг ҳаммаси биринчи сортла-рга қабул қилинди.

Район хўжаликлари Тошкент шаҳри меҳнаткашларининг сабабот, картошка, мева, узум ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаб ту-ришдек ишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Қис-қа вақт ичида 66 минг тонна саба-

ШОЛИ—ДАВЛАТГА

27 ОКТАБРГАЧА БЎЛГАН
МАЪЛУМОТ

(Мавсум бошидан бери планга нисбатан процент ҳисобида)	
Юқори Чирчиқ	73,00
Оржоникидзе	50,00
Янгийўла	40,4
Ўрта Чирчиқ	24,6
Бекобод	23,7
Калнин	18,5
Оққўрғон	17,5
Бўка	12,00
Область бўйича	26,3

ИЛҒОРЛАРГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон КП Тошкент об-ласть комитети ва область ижроия коми-тетининг қўлида Қизил байроғи Бекобод районуи ва 2-Далвар-зини соҳазида қолдирилди. Шу-нингдек, кўчма Қизил байроқ Бек-обод районидида Навоий номли колхозга берилди.

Юбилей йили ОК-ОЛТИНИ

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ
БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 27 ОКТАБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ
(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Районлар	бир кунда	мавсум бошдан бери	Машина терими	мавсум бошдан бери
Оққўрғон	0,73	114,94	1,04	130,84
Бўка	0,91	110,83	0,98	135,12
Янгийўла	0,50	109,58	0,65	117,25
Ўрта Чирчиқ	0,66	108,89	0,46	131,45
Юқори Чирчиқ	0,50	105,87	0,07	144,07
Оржоникидзе	1,42	100,24	—	91,00
Бекобод	1,41	88,33	1,06	100,40
Область бўйича:	0,82	107,48	0,83	125,94





ҚОЛОҚ АГРАР УЛКАДАН

ЮКСАЛИШ КЎЗГУСИ

1913 йилда ҳозирги областнинг территориясида юз-дан ортиқ кустар устaxonа бўлиб, уларда бор-йўли 6,5 минг киши ишлаган. 1966 йилда эса замонавий асбоб-ускуналар билан қуролланган 400 дан ортиқ корхона ҳалқ хўжалиги эҳтиёжларини учун юзлаб хил саноат маҳсулотлари етказиб берди.

Ушбу Батаи уруши йилларида областнинг территориясида унлаб янги завод-фабрикалар ишга тушди. Ленинград, Ростов, Волгоград, Украинадан 42 та саноат корхонаси кўчириб келинди. Уруш йилларида машинасозлик саноатининг ишлаб чиқариш фонди деярли 11 баравар ошди.

ҲОЗИРГИ вақтда Тошкент области саноат корхоналари бутун республикамизда тайёрланаётган маҳсулотнинг 57,5 процентини берибди.

ОХАНГАРОН кўмир ҳавзасида республикада қазиб чиқарилаётган ёқилғининг 96,5 проценти қазиб олинган.

ОБЛАСТЬ иссиқлик ва гидроэлектростанцияларида ҳосил қилинаётган электр қуввати бутун республика миқёсда ишлаб чиқарилаётган қувватнинг 70 проценти яқинини ташкил этмоқда.

ЕТТИ йиллик планларининг муваффақиятли бажарилишига салмоқли ҳисса қўшган 22 тошкентлик Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон берилди.

ОБЛАСТАДАГИ машинасозлик корхоналарида республикада тайёрланаётган асбоб-ускуналарнинг 90 процентдан ортиқроғи ишлаб чиқарилаётган.

ФАКАТГИНА Янгийўлдаги 4-мўй қўшмабати бутун Ўзбекистон территориясида революциягача ҳар йили ишлаб чиқарилаётган ўсимлик мойига нисбатан кўп мўй бермоқда.

ОБЛАСТИМИЗ Бутуниттифоқ меҳнат тақсимидаги тобора муҳим роль ўйнамоқда. У пахтачилик саноати, қанпо толасини қайта ишлаш учун техника воситалари тайёрлаш бўйича СССРда биринчи ўринда, тўқимачилик саноати учун машиналар ишлаб чиқариш ва ил-ғазлама туқидиш иккинчи ўринда, химия асбоб-ускуналари, кўпир кранлари, кабел маҳсулотлари, ун қазиб чиқариш бўйича учинчи ўринда туради.



ЯНГИЙЎЛ — янги саноат шаҳри ҳисобланади. Суратда пой-афзал фабрикасининг фарзандларининг қўллаб-қўллаш оёқ кийим-лари тикиб бераётган пешқадм ишчиларини кўриб турибсиз.

О. Қозоқбоев фотоси.

ЖАҲОНГА МАНЗУР

— Область саноат корхоналарида тайёрланаётган саноат маҳсулотлари жаҳон бозорига талаб қилади. Мухбиримиз СССР Ташқи савдо иш-тириги Урта Осиё бозорларининг товаршу-носи Аракс Левановна Газаровага шундай савол билан мурожаат қилиб, қўйидаги маълумотни жа-воби олд.

ШУ йил урсурсидил билан айни керакни, жаҳон бозорига область саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган турли-туман маҳсулотларга талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу саноатнинг кескин юксалганиги, замонавий асбоб-ускуналар, кенг исте-моқ товарлари тайёрлаш яхши йўлга қўйилганиги тим-соландир.

Ҳа, эндиликда область саноати йирик экспортёр бўлиб қолди. Бу ердати завод, фабрикаларда тайёрланаётган турли-туман маҳсулотлар қўллаб-қўллаш чет мамлакатларга етказиб берилаётган. Жаҳоннинг 60 дан ортиқ давлати уларни харид қилапти.

Тошкент область саноатчилари қўлидан чиқаётган маҳсулотлар, асосан, ҳалқ демократик мамлакатла-рига қўллаб-қўллаш берилади. Биринчи Болгария, биздан қишлоқ хўжалик машиналари, химия асбоб-ускуналари, унлар, компрессор станциялари, электротехника бу-юмлари, дори-дармонлар, пакет вкючаклари ва бош-қа товарлар сотиб олади. Қаҳрамон Вьетнам Демократик Республикаси ҳалқ хўжалигида тошкентлик саноат-чилар тайёрлаган радиолампа, трансформаторлар, компрессорлар ишлатиляпти. Шунингдек Венгрия, Мон-голия, Польша, Куба, Германия Демократик Респу-бликаси, Корея Халқ Демократик Республикаси, Руминия, Чехословакияга ҳар йили юзларча минг сўмлик саноат маҳсулотлари жўнатилади.

Областимиз саноатчиларининг миллий мустақиллиги-ни мустаҳкамлаш учун курашаётган Осиё ва Африка

мамлакатлари билан иқтисодий алоқаси тобора кучай-моқда. Биринчи Африканинг 15 хилдан ортиқ саноат маҳсулоти етказиб бериляпти. Булар орасида қишлоқ хўжалик машиналари, химия асбоб-ускуналари, озиқ-ов-қат, енгил саноат маҳсулотлари, трансформаторлар, пахта тозалаш заводлари учун машина-механизмлар бор. Шунингдек Гвинея, Гвинея, Эрон, Хиндистон, Яман, Мароккаш, Мали, Нигерия, Бирланган Араб Респу-бликаси, Сурия ва бошқа қатор мамлакатлар машинасозлик маҳсулотларидан тортиб газламаларгача сотиб оли-япти.

Эндиликда капиталистик дунёнинг мана мана деган давлатлари ҳам биздан турли-туман саноат маҳсулот-ларини импорт қилмоқдалар. Жумладан Англия радио-лампа ва тўқимачилик машиналари сотиб оляпти. АҚШ «Ташкентильмаш» заводига тайёрланаётган ПК-100 маркали пиштириш-ийгириш машинасини харид қилиш юзасидан буюртма берди. Франция ҳам худди шундай машина, гидравлик прессларга заказ берган. Япония эса бундай тўқимачилик машинасининг турта-сини сотиб оляди.

Биринчи Тошкент тўқимачилик комбинати ҳар йили чет элларга бир неча миллион метр газлама юбормоқ-да. «Ташсельмаш», «Ташавтомаш», «Узбексельмаш», «Чирчикдоғ каттик қотишмалар ва ўтга чидамли металл-комбинати», «Чирчиксельмаш», «Компрессор», трансф-матор заводлари маҳсулотларини четга сотиш йилдан-йилга ортимоқда. Бу ана шу маҳсулотлар ишлаб чиқаруви-ни коллективлар зиммасига катта вазифалар ҳам юкляди. Улар ўз маҳсулотлари сифатини тайинлай яхшилаб бо-ришлари, уларнинг ҳар доим жаҳон стандартлари да-ражасида бўлишини таъминлаб туришлари керак. Биз ўйлаймики, область саноатчилари бу соҳада тайинлай изланиш олиб борадилар, ўз маҳсулотлари маркеси-нинг софлиги учун муттасил курашадилар.



ОКТАБРЬ САМАРАСИ

Октябрь социалистик рево-люцияси инсоният тарихида шу дамгача бўлиб ўтган барча ре-волюциялардан дуғути ва қўт-луғи ҳисобланади. Бу ушбу рево-люция асрлар давомида эзilib келган меҳнаткаш халқнинг тақдирини қўли билан ўзгар-тиришди. Ушбу революциянинг ҳақиқий эгаси қилиб қўйди, уни зулмат ва жаҳолат асирлигидан қутқа-зиб, фан ва билим равақи са-ри кенг йўл очиб берди.

Совет ҳокимияти босиб ўтган тарихий эллик йиллик даврда мамлакатимизда яшаб турган барча миллат, ҳалқ ва эл-ла-рининг иқтисодий ва маданий ҳаётида жуذا ҳам катта ва тў-ли ўзгаришлар юз берди. Ком-мунистик партия ўзининг асо-сиеси ва устози В. И. Ленин таълимотида оғинишлай амал қи-либ, социалистик индустрияни вужудга келтириш ва ривож-лантириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаш, маданий рево-люцияни амалга ошириш, мамла-катимиз муҳофаа қобилиятини тобора мустаҳкамлаб бориш, социализм ғалабасини таъмин-етиш ва коммунизмнинг мод-дий-техника базасини вужудга келтиришга асосий эътиборни қаратди. Чор ҳукуматининг му-стаҳкамлаш бўлими бўлган сано-ат ўқоқларини вужудга келти-риш ва шу асосда миллатлар ва халқларнинг амалдаги тенг-сизлигини тугатиш масаласи

ҳам партиямиз фаолиятининг асосий ва таркибий қисмла-ридан бири бўлди. Революцияга қадар област-нинг ҳозирги территориясида саноат деярли ривож этмаган эди. Саноатнинг асосий тури эса капиталистик мануфактура-га бўлган майда-чуйла ва тар-қоқ ҳолдаги хунарамчилик-кустарчилик корхоналаридан иборат эди. Тошкент саноати даражасини кўрсатуви мана бир мисол: 1910 йили шаҳарда ҳаммаси бўлиб 8096 кустарга эга бўлган 3671 кустарчилик корхоналари мавжуд эди. Уш-вақтдаги ҳар бир корхонада қарийб 3 тадан киши ишларди, холос. Тошкентда механика-уст-хоналари ҳам бор эди, албат-та. 1913 йилининг охирида ша-ҳарда мавжуд бўлган 111 та корхонада атиги 2512 от қучи-га эга бўлган 70 та механик дивитель мавжуд эди. Бу кор-

НУР ҚЎЙНИДА

«Коммунизм — Совет ҳоки-мийти илос бутун мамлакатни электрлаштириш» деган эли В. И. Ленин. Ушбу доҳи Ок-тябрь революцияси ғалаба қил-ган дастлабки йиллардоки мамлакатни электрлаштиришга алоҳида эътибор билан қара-ди. В. И. Ленин тошхирини би-лан машҳур ГОЭЛРО плани ишлаб чиқилди. Шу планга мувофиқ 20-йилларда област-мида Бўзсув ГЭСи қурилиши бошлаб юборилди.

Совет кишилари Бўзсув ГЭСи қурилишида қатта катта қай-рат ва шижоат қўратинди. Уш-ва кезларда ҳозиргидек қуд-ратли экскаватор ва скрейпер-

лар, бульдозер ва кранлар йўқ эди. Асосий ишлар қўла қучи билан бажариладди. Шунга ка-рамай, овоз меҳнат кишилари эътиборини қатъан қисқа му-датда ишга туширишга муваф-фақ бўлишди. Бўзсув ГЭСи 1926 йилдан бери элли Ильич энеси билан баҳраманд қилиб келаяпти.

Бўзсув ГЭСи областимиз энергетика системасининг би-ринчи қалдирғочи бўлди. Нур-хоналар қурилиши мана шун-дан кейин кенг қулоқ ёйди. 30-йилларда Чирчиқ дарёси бўйида бир қатор ГЭСлар тиз-маси қад кўтарди.

1946 йилда Фарҳод ГЭСига

пойдевор қўйилди. Фарҳод то-ғи эътибор қўлга томон Шир-рин канал қилинди. Канал шарнараси устига иккита 30 минг, иккита 33 минг киловатт қувватга эга бўлган туртта энергетик блок монтаж қилинди. Бу турбиналар бир кеча-кун-дузда 2,5 миллион киловатт электр энергияси ҳосил қи-ляпти.

Сув деяр, нур деяр интизор-ликда азоб чеккан ота-бобо-ларимизнинг набиралари мана бутун Октябрь қўшини қўлиб боққан ўлкада сувга ҳам қо-наляпти, нурга ҳам. 600 минг киловатт қувватга эга бўлган Охангарон ГРЭСи тўла қуч билан ишлаб турибди. 1970 йилга бориб 1 миллион 800 минг киловатт қувватга эга бў-ладиган Тошкент ГРЭСи қу-рилиши мадал суратлар бил-ла олди бориляпти. Шу қу-гача ишга туширилган олтига энергетик қўшни областларини ҳам қароғон қилапти.

Пойтахт ёнбағрида Тошкент ГРЭСи бўлиб этилаётган бў-ласа, Тили-Шан тоғ тизмалари ёнбағрида эса Чорвоқ ГЭСи қўққа бўй қўзаяпти. Чорвоқ ўз ҳавзасида 1 миллиард 200 минг кубометрга яқин оби-ҳа-ётини сифдига олади. Бу оби-ҳа-ётини билан саратоннинг сув та-қис давларида минглаб гектар эканзорларини сугорса бўлади. Чорвоқ фақат таъинлисининг давоси эмас, у қўзларнинг эне-си ҳамдир. ГЭС тўла қувват билан ишга тушгач, турт тур-биналар ҳар соатда 600 минг киловатт электр энергияси ҳо-сил қилади. Икки келажакда областимизда булардан таппа-ри Хўжайкент ва Ғазалкент ГЭСлари ҳам қад кўтарди.

Нурхоналар қурилишининг поёни қўйилмади. Област-мида 1913 йилда атиги 0,6 миллион киловатт-соат электр энергияси ҳосил қилинган бўл-са, эндиликда таъинлиларимиз ҳар соатда бунга қараганда қўн даражада электр эн-ергияси ишлаб чиқариб, қолхос ва совхозларга, корхона ва хо-надонларимизга нур таратмоқ-да.

ЮКСАЛИШ КЎЗГУСИ



ЯРИМ АСР ҲИКОЯСИ

хоналарда ҳаммаси бўлиб 2463 ишчи ишлар эди, холос.

Ушбу саноатнинг ривожла-нишига асосан чор самодержа-виезининг бу ерда юритган му-стаҳкамлаш сиёсати тўғ-ри қилиб қилинди. Чор ҳукумати му-стаҳкамлаш чекка ўлкаларида саноатни барпо этиб, рус сав-догарлари, фабрика ва завод эгаларининг манфаатларига эи-ён етказиш, чоризмга ва ма-ҳаллий капиталист ҳамда фео-далларга қарши олиб борилад-ган миллий озолиқ ҳаракати-га бошчилик қилидиган ишчи-лар синфи қадрлари ўсиши учун шароит вужудга келиши-ни истамас эди.

Ушбу Октябрь социалистик революцияси ғалабаси туфай-лига ўзбек халқи миллий му-стаҳкамлаш заулмидан, буржуа-феодал жабури-ситамларидан озод бўлди. Октябрь рево-люцияси ўзбек халқининг иқтисо-дий, сиёсий ва маданий тарақ-қийидаги қолоқлигини тугатиш учун ҳал этувчи шарт-шароит қуратиб берди, уни социализм қурилишининг кенг ва порлоқ йўлига олиб чиқди.

Ўзбекистон саноати, шу жум-ладан областимизнинг ҳам сано-ати революциядан кейинги йилларда ўзига хос тараққий-ёт йўлини босиб ўтди. Техника би-лан жиҳозланган ва юксак да-ражада ривож этган саноатнинг умуман республикамизда ва шу жумладан Тошкентда ҳам бўл-


дининг қўлчилигини ташкил этувчи деҳқонлар эса ўтмиш-нинг феодализм-мустамлакачилик сарқитларидан қутулмаган эдилар. Мана шунинг учун ҳам ҳамма жиҳатдан ил-ғор бўлган марказий Россия билан мустаҳкам иқтисодий ва сиёсий алоқа ўрнатилш ва рес-публика ичида эса сон жиҳати-дан оз бўлган ишчилар синфи билан деҳқонларнинг иқтисо-дий алоқаларини ривожланти-риш биринчи даражада муҳим вазифа эди. Бундан ташқари, рус халқига нисбатан эзilib келган халқларда чор самодер-жавиезининг қабий сиёсати ту-файли вужудга келган ишчи-чи-силсини батамом йўқотиш учун, рус пролетариати билан ил-ғари эзilib келган халқлар-нинг деҳқонлари ўртасида тўғ-ри муносабат ўрнатилш учун бу халқларнинг тўғри сиёсий ту-ратилш зарур эди. Коммунистик партия бу вазифани ҳал этиш-нинг бирдан-бир тўғри йўлини кўрсатиб берди—бу шаҳар би-лан қишлоқ ўртасидаги алоқа-ларини йўлга солиб мустаҳкам-лайдиган миллий саноатни бу-ви-ёт этишдан иборат эди. Комму-нистик партия ҳалқ хўжалиги-ни тиклаш даражасида хунарам-чилик-кустарчилик корхонала-рини кооперативларга мунава-лятили уюштирган ҳолда 1925-1926 йилдан бошлаб республи-када социалистик индустрия-лаш планини амалга оши-ришга киришди.

цияси ғалабасидан баҳраманд бўлган областимизнинг иқтисо-дий ва маданий қиёфаси туб-дан ўзгариб, янада қўқмакла-ш бораётганидан далолат бо-ради.

Республика экономикасида пойтахт области етакчи ўрни эгаллайди. У республика тер-риториясининг 3,5 процентини эгаллагани ҳолда бутун Ўзе-бекистонда тайёрланаётган ялпи саноат маҳсулотининг 57,5 процентини беради. Областимиз-нинг машинасозлик саноати ва саноатнинг бошқа турлари ўз маҳсулотлари билан Итти-фоқдагина эмас, балки жаҳон миқёсига ҳам оғу-эътибор қо-зонган. Революцияга қадар энг оддий қишлоқ хўжалиги қуло-ларини четдан—марказий Рос-сиядан олиб келишга мажбур бўлган ўлкамизда эндиликда ҳозирги замон қишлоқ хўжалик техникаси, сифати жиҳатидан жаҳонга танилган тўқимачилик саноати машиналари, кўтарма кранлар, тракторлар, компрес-сорлар, трансформаторлар, экс-каватор ва бошқа қўллаб-қўлла-ш техника воситалари ишлаб чи-қарилаётган.

Областимизнинг машинасо-злик саноати Иттифоқимизда пах-тачиликни қампоқиб меҳнат-чи-ялашини таъмин этишда ҳал этувчи роль ўйнамоқда. Мама-латимизда ишлаб чиқарилаёт-ган пахта терил машинаси, пах-та қулайтаторлари, қўрак чу-ви агрегатлари, пахта сеялка-сининг 100 проценти област-мида бўлиб этилмоқда. Кейин-

тарих фанлари кандидати.



УШБУ харитада корхоналари миз маҳсулотларини харид қилаётган мамлакатлар кўрсатилган.

ЮКСАК ИНДУСТРИАЛ УЛКАГА

Пўлатоқим

ОКТАБРЬ
1917
50

ОКТАБРЬ кўёши нур сочмасдан аввал областимизда эритиш, пўлат қуйиш қаёқда эди дейсиз, ўша вақтда! Ахир, ишқибоддан аввалги «саноатимиз» — мис човғум, ётоқ қошиғи, сопол товоқ, хуллас майда хунармандчилик маҳсулотларидан иборат эди, ҳоло.

Резолюциядан кейин партияимиз биринчи навбатда оғир саноатни барпо этишга йилдир эътибор берди. Оғир саноатни бунёд этиш социализм қуриш даражасида планнинг энг муҳим, таркибий қисми бўлиб қолди. Йиллар ўтди. Ленинча индустриалаштириш натижасида областимиз оғир саноати ҳам таниб бўлмас даражада ўзгарди.

Уруш йиллари ечимизда, 1942 йил эди. Бекободда металлургия заводи қурилиши бошлаб юборилди. Мамлакатимизнинг ҳамма жойларидан бу улкан корхона қу-

рилишига мадад қўллари узатилди. 1944 йил 5 мартда биринчи ўзбек металлургия заводи ишга тушди. Эндиликда у бутун республикамизнинг фахри бўлиб қолди. Корхона ҳозир замонавий техника воситалари билан жиҳозланган. Бугун бу ва бошқа корхоналарда юз минглабча тонна аъло сифатли пўлат эритилди. Бундай улкан корхона дёриғида яна-яна эмас, албатта.

1931 йилдаёқ областимизнинг тоғлар бағри Олмалиқда мис ва олтин конлари борлиги аниқланган эди. Ўттиз йилдан сўнг аса бу ерда қудратли мис эритиш заводи қад қўтарди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифат ва миқдори йил сайини ошиб бормоқда. Ана шундай йирик корхоналардан бири Чирчиқ шаҳридаги ўтга чидамли ва қаттиқ қотишмалар лоббинатидир. Республикаимиз оғир

саноатининг юраги ҳисобланган бу корхоналар Иттифоқимиз экономикасида салмоқли аҳамиятга эгадир.

Шуниен кувончлики, эндиликда металлургия соҳасида ишловчи миқли кўпайиб кетди. Агар бундан чорак аср илгари ўзбек металлургия бормоқ билан саварли бўлса, ҳозир юзлаб кишини ташкил этади. Социалистик Меҳнат Қазираси Ҳафиз Ғаниев, Башир Мирзаматов, Нурматов, Юсупов сингари моҳир пўлат эритувчиларнинг номларини бутун мамлакатимиз билди.

Ҳозирда қисқа давр ичида областимизнинг металлургия соҳасида ташлаб жуда катта оқимига ақл бовар қилмайди. Ҳа, партия ва ҳукуматимизнинг оталарча беқисс ғамхўрлиги туфайлигина шундай катта муваффақиятга эришдик.

ХАЛҚИМИЗ УЧУН

ШАМЧИРОҚ шувасида ғира-шира эритилган пастак ва зах хонада уч-тўрт ишчи дастгоҳ устига ангашиб мато тўқишяпти. Дастгоҳ деганимиз тўртта қозон! Ҳа, ана шу қозонларга боғланган ишлар жуда содда усулда қўл билан тўқиладилар. Иш ушунинг асти сўрамади. Инқиробдан аввалги «тўқув саноати» қаёқда оз-моз бўлса-да, тасаввурингизга уйғундир.

1920 йилда РСФСР халқ хўжалик негашти Туркистонда тўқув-механика ишлаб чиқариш ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу чекка ўлкада енгил саноатни ривожлантириш учун қўйилган биринчи қадам бўлди. Эндиликда бутун мамлакатимизда Тошкент тўқимачилик комбинати номи билан машҳур бўлган бу корхона маҳ-

сулотлари жаҳонинг лол қолдирмоқда. Шунинг айтиш ларфояни, комбинат ишлаб чиқараётган маҳсулот бутун Кавказда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдорига тенгдир. Биргина шу комбинатда революциядан илгариги область саноатидаги барча ишчиларга қараганда уч баравар кўп ишни самарали меҳнат қилмоқда.

Ҳа, область енгил саноати элли йил ичида улкан йўлни босиб ўтди. Область тўқимачилик саноати ҳозир СССР да РСФСРдан кейин иккинчи ўринга эгаллаб турибди. У Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган жами газламаларнинг 95 процининг тайёрлаб бермоқда.

Дирекцияда «Учқун» фирмасининг ишга туширилиши тўқув-галантерея саноатини юзага

келтирди. Қатор тўқувчилик ва мебель фирмалари ҳамда фабрикаларнинг вужудга келтирилиши енгил саноатимиз тараққиётига салмоқли ҳисса қўшди. Пойафзал, трикотаж, мўйна, кўн саноатлари ҳам жадал суръатда ривожланаётган. Эндиликда областимиз енгил саноати аҳолига юзларча хил юқори сифатли маҳсулотлар етказиб бермоқда.


Янги беш йилликда область саноатини янада тараққий эттириш кўзда тутилмоқда. Олмалиқда пайпоқ-трикотаж комбинати ва ип йиғирув ҳамда трикотаж фабрикалари, Янгийўлда каноп фабрикаси, Тўйтепада пахта, Тошкент яқинида кўп заводлар ва бошқа йирик корхоналар қад қўтарди. Бу соҳада областимиз янада дадил одим ташлайди.



Чирчиқнинг химиклар шахри деб аташади. Бу бежиз эмас. Республикаимиз катта химиксининг тўғич корхонаси — электрохимия комбинати шу ерда жойлашган. Суратда: комбинатнинг металл конверсиялаш цехи.



ОХАНГАРОН — Ўзбекистон илмий-техника маркази. Унинг конлари «қора олтин»нинг улкан макони ҳисобланади. Суратда: 9-шахтанинг бир гуруҳи қончилари.



ОЛМАЛИҚ—республикамизнинггина эмас, балки Иттифонинг ҳам йирик рағбатли металлургия маркази ҳисобланади. Суратда шахтанинг мис бойитиш фабрикасида рудани сарфлаш жараёни тасвирланган. И. Глауберзон, В. Сироткин, Г. Пун фотолари.

ҚУДРАТЛИ МАШИНАЛАР

«ГЛАВТЕКСТИЛЬ»дан олинган маълумотларга кўра, Туркистон деҳқонларига нетмон тайёрлаш учун Стокгольмга буюртма берилган...

«Складларда ўрис омонлар, темир мола, шамол машина, ўроқ машиналар, қўл ўроқлар, нетмон, чолғи ўроқлар, тепа, омон ва деҳқончилик учун бошқа зарур қурол ва асбоблар бор...»

Ана шу хилдаги хабарларнинг 20-йиллар бошларида чиққан газеталардан ўқиб мумкин. Ҳозирги замон нутқан назардан бу хабарлар бироз қизиқ туюлиши тўғрисида гап. Ҳа, ўша вақтда нетмон деб Швеция компанияларига мурожаат қиларди. Негаки, энг оддий иш қуроллари ҳам йўқ эди бизда.

Докл Лениннинг 1919 йил мартда партиянинг саккизинчи съезида қилшолда ишлаш тўғрисида қилган докладыдаги сўзлари эсингиздами? Мана Владимир Ильичнинг орау қилиб айтган сўзлари: «Агарда биз эртага юз мингта энг яхши трактор бера олсан, уларни бензин билан, машинистлар билан таъминлай олсан эди (ҳозирча бу ҳаёл экиннинг яхши биласиз) у вақтда ўрта деҳқон «мен коммунист тарафдориман (яъни коммунизм тарафдориман)» дегир эди».

Мана, ўша вақтдан бери орадан элли йил ҳам ўтгани йўқ. Тошкент область ва шаҳар саноати ўтган 9 ой ичида эришган ютуқларни аниқ эътирувчи статистика рақамларига бир назар солинг. Ундан биргина пойтахтимиз машинасозлиги корхоналари 22600 та трактор ишлаб чиқарганини биллиб оласиз. Лениннинг ўша вақтда «ҳозирча бу ҳаёл» деб айтган сўзлари алақачонлароқ ҳақиқатга айланди.

Пойтахт областимизда юксак кишлоқ хўжалиги машинасозлиги вужудга келди. Бу ҳақда, чини Тошкент водис азалдан деҳқончилик макони бўлиб келган. 1929 йилдаёқ ВКП(б) Марказий Иқтисодиёт қарори билан механика устaxonаси базасида кишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи қурилади бошланди. Орадан бир неча йил ўтди. Бу корхона — ҳозирги «Ташсельмаш» заводи деҳқонларга асосан пахта териш машиналари етказиб беришти. Пахта етиштиришдек оғир ишни енгил қилишда корхонанинг хизмати катта. Эндиликда бу ерда тайёрланаётган «ХБС-1,2», «ХТ-1,2», «Ўзбекистон» сингари «зангори кема»лар доврғи оламга кетган. Ўзбекистон трактор-йиғув заводида аса бундан бир неча ой муқаддам юз мингта трактор тайёрланди.

«Ташсельмаш» заводи ажойиб машиналар ишлаб чиқаряпти. Ушлаб чет эл мамлакатларида бир йўла тўрт операцияни бажара оладиган «ПН-100» марнали машина юн деб сотиб олинапти. «Ташсельмаш», экскаватор, «Чирчисельмаш», «Ташхлопкомаш», «Ўзбекисельмаш», авиация корхоналари ҳам экономикаимизнинг турли машиналарга бўлган талабини қондирипти.

Умуман олганда, пойтахт машинасозлиги корхоналари пахтачилик машиналари, пахта саноати учун техника асбоб-ускуналарни, нап-толанини қайта ишловчи механизмлар ишлаб чиқариш бўйича Иттифонда биринчи ўринни, тўқимачилик ва ип-газлама саноати учун машиналар бўйича иккинчи ўринни, химия асбоб-ускуналарни, кўрпни қоралари тайёрлаш бўйича эса учинчи ўринни эгалладилар. Пахта териш машиналари ишлаб чиқариш бўйича дунёда АҚШдан сўнг иккинчи ўринда туради. Бизда ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларининг ҳаммасидан кўра кўпроқ миқдорда кишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқарилади! Мана, бизга социализмнинг яна бир буюк афзаллиги!

Ҳозирда бутун область саноатида банд бўлган ишчиларнинг туртидан бири машинасозлиги корхоналарида ишлайди. Улар область саноат маҳсулотининг салмоқли бўлагини берадилар. Машинасоз-лигимиз шундай тараққий қилган.

ИЛГАРИ



УСТОЗ ВА ШОГИРДЛАР

Абдулхай ана шовмайш минбарга кўтарилди. Аввалига жуда суяст га, пиратдан туюлди ўзинга.

— Зинмама олган мажбурий-тим учга катта эмас, — деб овозини хил кўтарди, — олинга беш про-цент ёнлиги тежамончидан.

— Сиздакалар алайди! — кинди-дирума отди. Машинасти юзла-ди кип-қизариб, атрофга алаңла-ди ўзига ҳамроҳ элаётган Алес-сандар Матвеевни кўриб қолди. Аб-дулхай ана сўзига эркин давом этди.

— Шундай қилиб юбилейгача ҳар қайсимиз 15 тоннадан ёнлиги тежамон, ҳисобланг, давлатга қан-ча фойда келтирган бўламиз? Энд-ди, надрлар ҳақида ҳам иккинчи гапирмоқчиман. Дўстлар ростки, ҳи-жолат бўлмайман. Демонизда ёшлар кўпчилиги, уларни оталини оли-шимиз керак. Ўзим бу йил иккин-шоғирда тайёрлаш ниятиданман. Сизларни ҳам шунга чақираман.

Минбардан тушиб, ўз юзига уаётганда машинасти Матвеевга:

— Минбарда айтинг фирингиз-ни, — деди қизиб, Матвеев бу-

ни кутмаган бўлса керак юз л-вуллаб бир зум калованиб қолди. Кейин ўриндан тура солиб минбар томон шаҳам борди.

— Марнакаев таърибали маши-нист, сўзининг устидан чиниш мумкин. Лекин ўзи айтмоқчи, де-пода кўпчилиги ёшлар, 1 е 2 про-цент ёнлиги тежамон ҳам катта гап улар. Бундан ошириб бўлмайди.

Депо партия ташкилотининг сен-ретари Вячеслав Давидов янги та-шаббусни қувватлаб, севиноб га-пирди. Матвеев ва Утаймиев бир-бирига зиндан имо қилиб қўйиш-ди. Кўпчилиги Марнакаевнинг та-шаббусини маъқуллади.

АБДУЛХАЙ ана чегга киряёт-ганда Матвеев унга етиб олди:

— Мендан хафа бўлдингиз-а? Ростини айтинг, бунинг илоҳи йўқ-ку.

— Нега илоҳи бўлмас экин? — Абдулхай ана қошини чимириб,

ҲОЗИР

ЧАЙДАГИ суратга бир рази солинг-а! Жуда содда, қоқоқ темирчилик устaxonаси революциядан аввал ўлкаимиз учун тилик бир ҳол эди. Юқо-ридаги суратда бахтли совет замонасининг мўъжизаларидан бири — Бекобод металлургия заводидидаги пўлатни узлуксиз қуйиш қурилмасининг кўриб ту-рибсиз. Унда барча жараёнлар-ни автоматлар бажаради.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

МЎЪЖИЗАЛАР МАКОНИ

БУНДАН қирқ йил муқаддам Шўрвудда олтингўштут қони бўлиб, бу ерда барча жараёнлар вўж мекони билан ибтидоий ас-боб-ускуналар ёрдамида бажари-ларди. Республикаимиз бутун хи-мисли шу қондан иборат эди, ҳо-ло.

Йиллар ўтди. Янгидан бунёд этилаётган Чирчиқ шаҳрида хи-мия комбинатининг дастлаб ки-корпуслари қурила бошлади. Уруш арафасида бир неча корпус-ларнинг осмонлар-трубаларида алағи кўтарилди. Биринчи бор водород, азот, кислород ва амми-ак олинди.

Республикамиз катта химия-сининг тўғичи Чирчиқ электрохи-мия комбинати дастлаб юзларча тонна аммиак сезитраси ишлаб чиқарди. Ҳолбуки химия маҳсуло-тларининг барча турлари револю-циядан аввал четдан, мамлакат-нинг бошқа районларидан келти-рилари.

Ўлкаимиз социалистик эконо-ми-

кани вужудга келтириш йиллари-да мамлакатимизнинг асосий па-хта бажар-сизинида ривожланиб борди. Тез орада пахта мустақил-лигига эришди. Пахта етишти-ришнинг янада кўпайтириш вазифа-си улкан химияни вужудга кел-тиришнинг тақозо қиларди. Обла-стимиз химияси ана шу улкан вазифа-ни бажаришга даъват эттирди.

Чирчиқдаги комбинат ана шундай ўғит маконига айлана борди. Бу ерда қўллаб тайёрланган минерал ўғитлар пахта плантациялари, боғ ва полдизлар томон жўнатилди.

КПСС Марказий Комитетининг 1958 йил май Пленуми, партияимиз Программасида, XXIII съезда қарор-ларида ҳамда партия ва ҳукума-тимизнинг кишлоқ хўжалигини рив-ожлантириш борасидаги муҳим қарорларида химияни юксалти-ришга катта аҳамият берилди. Бу-тун ўлкаимизда ана шу табирилар-нинг амалга оширилиши на-жарида улкан химия янада та-раққий қилди.

Эндиликда химия корхоналари-мида аммиак сезитраси, сульфат-кислотаси, карбамид, гидрoлаз-спирти, озуқа аччиқлар ишлаб чиқарилади.

Областимиз корхоналарида шу-нингдек лой ва бўғайлар, резина, поёйфзал, пластмасса, буюмлар, сўйиш чарм ва бошқа хил химиявий маҳсулотлар ишлай-моқда. Тошкент, Чирчиқ, Янгийўла, Охангарон ва Олмалиқнинг корхо-наларида ишлаб чиқарилади бу-ларнинг ҳаммаси.

Янгийўла гидрoлаз заводида 1958 йилда этил спирти, сўнгга эса ем-халтак аччиқларни, фурфурол, ишлаб чиқарувчи қувватлар-инга туширилди. Ҳозирда эса озми-оқат сорбент тайёрлаб берувчи йирик цех вужудга келтирилди. Медицина саноати учун вига-минлар ишлаб чиқарилади бу, ео-да. Олмалиқдаги олтингўштут кие-лотаси цехида яқин вақт ичида мураккаб ўғит — аммофос ишлана-диган бўлади. 1969 йилда бу қим-


матди минерал ўғитнинг дастлаб-ни тоналари олинди.

Охангаронда эса қияндагига дастлабчи маҳсулот ишлаб чиқар-ган керамиз буюмлари заводи-нинг цехлари бири-кетини ишга туширилди. Ушлар ташчари, ҳа-ди шу шаҳар атрофида резина буюмлари корхонаси ҳам қурили-пти, унинг қувватлари тўла ишга туширилган ишлар ишлаб чиқар-иш бўлга қўйилди.

Шундай қилиб, химия индуст-рияимиз дадил қадамлар билан рив-ожланиб борапти. Ҳозирги вақтда республикамиз химия саноати рив-ожланиши бўйича Иттифонда учинчи ўринда турар экан, бунда областимиз химия корхоналари катта ўрин эгаллайди.

Эндиликда химия — авваллари областимиз территориясида қони ҳам, ишони ҳам йўқ бўлган бу соҳа, саноатимизнинг муҳим тар-моғига айланиб бормоқда!

ЮКСАЛИШ КЎЗГУСИ



Ип газлама (миллион метр). Мебель (миллион сўмлик).

Шогирдлари Юрий Панфилов би-лан Игорь Передеренколарнинг кўзларига кувонч дорилар нетди.

— Утмишдаги пайпоқ ва кар-вонлар эсимга тушса, — деб хи-юя қилди улар, — қанчалар илгарияб кетганимиз деганимиз кувонтиради. Инқиробдан илгари Тошкентдан Москвагача поездда 15—20 кунда зўрга етиб берила-кан. Ҳозир теъзорлар локомoтивлар-инки ярим кунда мизонига еткази-ди. Ҳар кун миллион тоналлар юклар ташилаётгани, Тошкентдан ўнг минглаб кишилар ўнларча шаҳарларга йўлаётгани темир-йўлимизнинг раванлигини ойнаден кўрсатади.

Азoнда шогирдларини бирин-ке-тин рейсга жўзатиб келадиган эди, узокдан Матвеевни кўриб қолди. Чехриси очки эди, унинг, — Ташаббусингиз бу қадар қа-рот ёниш ҳавинига ҳам чөлмо-ди, — деди у яқин сўрашди. — Лаф-зингиз ҳалол экан, ишончин ои-ладингиз. Қандингиз унинг, аззамат! — Абдулхай аначинг ел-касига дўстона қолди, у.

Х. ИКРОМОВ.

